

## СОЯНИНГ ОРЗУ НАВИДА БАРГЛАРНИ ТЎКИЛИШИГА ДЕФОЛЯЦИЯ ЎТКАЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ

И.И. Абитов

қ.х.ф.ф.д. (PhD)

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш  
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20536460>

**Аннотация:** Мақолада Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган соянинг Орзу навида дефолиантлар таъсири келтирилган.

**Калит сўзлар:** типик бўз тупроқ, соя, нав, дефолиантлар, барг, яшил, қуриган, ярим қуриган, тўкилган барглар.

Соя дони таркиби юқори сифатли аминокислоталар билан таъминланганлик жиҳатидан гўшт, сут, тухум каби энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан тенглаша оладиган 28–52 фоиз оқсил, 18–27 фоиз экологик тоза ўсимлик мойи, кўплаб минерал тузларни, дармондориларни сақлаши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Десикатларни Амур вилоятида ишлатишда намликни пасаишига олиб келди, буй ва унувчанликни оксил ва мойга ижобий таъсир курсатди. Шу билан бирга соя навларида маҳсулдорликни камайтирди ва сояни Нега 1 навида ҳосил кўпаишига олиб келди [1].

Приамурья шароитида соя йғиш муддати октябрь ойига туғри келиб, доим салбий харорат ва бирхил вақт қор ёқади. Сояни кечки механизацияланган ййғиштириш, уруғнинг паст намликда ййғиш уларнинг шикастланишига олиб келади, ҳамда экишнинг технологик сифатини пасаишига олиб келади [2].

Дефолиантлар ва десикантларни асосий мақсад механизатсиялашган қишлоқ хўжалик экинларни ҳосил еғиб олишга таёрлаш, меҳнат харажатларни камайтириш ва уларни етиштириш учун воситалардир [3].

**Тадқиқотнинг объекти ва усуллари.** Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари, соянинг Орзу нави, бор ва рух микроэлементлари, шунингдек, УзДЕФ ва СууюқХМД дефолиантлари олинган. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида олиб борилган. Дала тажрибалари жойлаштириш, ҳисоблаш ва кузатувлар куйидаги услубий қўлланмалар асосида амалга оширилган: “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари”, “Методика Государственного сорта испытания сельскохозяйственных культур”, «Дефолиантларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар», «Микроэлементы в почвах и их влияние на хлопчатник». Тажрибадан олинган натижалар Microsoft Excel дастури ҳамда Б.А. Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси асосида математик-статистик таҳлил услублардан фойдаланилди.

Илмий тадқиқотлар 2020 йилларда Тошкент вилоятининг ПСУЕАИТИнинг Марказий тажриба участкаси далаларида олиб борилган.

Тошкент вилояти, Кибрай туманининг иқлими кескин континентал, қишда кескин ўзгарувчанлиги, ёзда ҳароратнинг юқорилиги, қуруқликда қор қатламини сақлаш даври камлиги, буғланиш юқорилиги, шимолий-шарқ йўналиши бўйича шамолни эсиб туриши билан бошқа минтақалардан фарқланиб туради.

Тажриба 9 та вариант, 3 такрорланишдан иборат бўлиб, кичик майдонларда олиб борилди. Ҳар бир вариантнинг майдони 42 м<sup>2</sup> (узунлиги 15 м, эни – 2,8 м). Ҳисобли ўсимликлар сони ҳар бир делянкада 25 дона ташкил этган.

Тажриба 9 та вариант, 3 қайтариқ, майдончалар юзаси 42,0 м<sup>2</sup>, жойлаши учта ярусда, эни 2,8 м, узунлик 15 м ташкил этган. Ҳар бир майдончадан ҳисобли ўсимликлар 25 донани ташкил қилган. Ушбу тадбирларни ўтказишда моторли “RTRMAX” дори сепиш қўл аппаратида фойдаланилган.

Кузги буғдойни йиғиб олингандан сўнг, соянинг Орзу навида кўчат қалинлиги 550 минг дона/га қолдириб, қатор ораси 70 см қилиб экилди. Соя нави биринчи классли уруғлари 2 июлда экилди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Соя навининг бош поясининг баландлиги 60,7-62,0 см ни, жами барглар сони 24,3-25,0 донани, яшил барглар сони 11,1-11,7 донани, ярим қуриган барглар 13,0-13,6 донани, дуккаклар сони 17,8-18,3 донани, шу жумладан яшил дуккаклар 13,5-14,3 % ни, ярим пишган дуккаклар 33,9-36,3 % ни, пишган дуккаклар 50,9-52,1 % ни, яшил дуккак намлиги 70,0-70,5% ни, ярим пишган дуккак 50,6-51,4% ни ташкил қилди.

Шохлаш ва гуллаш фазасида бор 0,4 кг/га ва рух 0,7 кг/га микроэлементлар меъёрлари биргаликда қўлланилганда ўсимлик бўйи 84,8-84,9 см ни, жами барглар сони 25,2-25,5 донани, яшил барглар сони 12,0-12,1 донани, ярим қуриган барглар 13,2-13,4 донани, дуккаклар сони 21,0-21,1 донани, шу жумладан яшил дуккаклар 14,1-13,9 % ни, ярим пишган дуккаклар 34,0-34,5 % ни, пишган дуккаклар 51,9-51,6 % ни, яшил дуккак намлиги 70,3-70,4% ни, ярим пишган дуккак 51,2-51,3% ни ташкил қилганлиги кузатилди.

Соя дуккаклари 50-60% дуккаклар пишган муддатда, дефолиациядан 6 кун ўтгач, назорат (ишлов берилмаган) вариантыда яшил барглар сони 15,7% ни, табиий тўкилган барглар 60,3% ни ташкил этди. СуюқХМД дефолианти 6,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда энг юқори барг тўкилиши кузатилди ва барг тўкилиши мос ҳолда 74,0% ни ташкил этган бўлса, яшил барглар сони деярли қолмагани, қуриган ва ярим қуриган барглар сони 15,3-10,7% эканлиги аниқланди. Нисбатан юмшоқ таъсир этувчи УзДЕФ дефолианти 2,0; 4,0; 6,0 л/га меъёрларда қўлланилган вариантлар қўллаш меъёрларига мос равишда яшил барглар сони умуман қамайди, қуриган барглар сони 14,5; 17,3; 19,6% ни, ярим қуриган барглар сони 18,8; 11,9; 4,3% ни ва тўкилган барглар сони эса 66,7; 70,8; 76,1% ни ташкил этган.

Шохлаш ва гуллаш фазасида бор 0,4 кг/га ва рух 0,7 кг/га микроэлементлар меъёрлари биргаликда қўлланилиб ҳамда 50-60% дуккаклар пишган муддатда СуюқХМД ва УзДЕФ препаратини бир хил 4 л/га меъёрда қўлланилганда дефолиациядан 6 кундан сўнг, соя навларида ўртача яшил барглар 0,0-0,0%, қуриган барглар 14,1-18,7% га, ярим қуриган барглар 17,3-10,0% га, тўкилган барглар 68,5-71,3% ни ташкил этганлиги маълум бўлди.

Дефолиациядан 12-кундан сўнг, соя навида бу кўрсаткич назорат (ишлов берилмаган) вариантыда яшил барглар сони 0,6% ни, баргларнинг табиий тўкилиши 71,2% ни ташкил этганлиги қайд этилди.

Маҳаллий СуюқХМД дефолианти 2,0; 4,0; 6,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантларда, дефолиация ўтказиш муддатига мос равишда яшил барглар умуман

қолмади, қуриган ва ярим қуриган барглар 9,4; 8,3; 0,0; 8,7; 0,0; 0,0% ни ҳамда тўкилган барглар сони 81,9; 89,2 ва 91,7% ни ташкил этиб, бу вариантлар орасида энг юқори кўрсаткичлар дефолиантнинг 6,0 л/га меъеридан олинди ва барг тўкилиши бўйича олинган кўрсаткичлар назорат вариантыга нисбатан мос равишда 100,0% га кўп бўлганлиги маълум бўлди.

Соя навининг иккинчи муддатида (50-60% дуккаклар пишган муддатда) эса ҳар иккала ўрганилаётган дефолиантларнинг нисбатан оширилган меъёрларидан юқори натижаларга эришилганлиги маълум бўлди ва СуюқХМД ни 6,0 л/га, УзДЕФ ни 6,0 л/га меъёрлари қўлланилганда мос ҳолда 100,0-100,0% гача барг тўкилиши таъминланди.

Шунингдек, соя навида шохлаш ва гуллаш фазасида бор 0,4 кг/га ва рух 0,7 кг/га микроэлементлар меъёрлари биргаликда қўлланилиб ҳамда 50-60% дуккаклар пишган муддатда СуюқХМД ва УзДЕФ препаратини бир ҳил 4 л/га меъёрда қўлланилган вариантларда, дефолиация ўтказиш муддатида мос равишда яшил барглар деярли қолмади, қуриган барглар 7,8-3,1% га, ярим қуриган барглар 0,0-0,0% га, тўкилган барглар 92,2-96,9% га кўпроқ бўлганлиги маълум бўлди.

#### **ХУЛОСАЛАР**

Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, 50-60% дуккаклар пишиш муддатида иккала навларда СуюқХМД ва УзДЕФ дефолиантларни қўлланилган вариантларда 6 л/га меъёрлари ҳамда, шохлаш ва гуллаш фазасида бор 0,4 кг/га ва рух 0,7 кг/га микроэлементлар меъёрлари биргаликда қўлланилганда ва 50-60% дуккаклар пишган муддатда УзДЕФ препаратини бир хил 4 л/га меъёрда қўлланилган вариантда кўпроқ баргларни тўкилиш самарадорлиги бўлиши аниқланди.

#### **Adabiyotlar, References, Литературы:**

1. Буркин И.А. Физиологическая роль и сельскохозяйственное значение молибдена. Наука, - Москва, 1968. - С. 294.
2. Дурнев Г.И., Ятчук П.В. Соя: новое в технологии возделывания на семена// Образование, наука и производство Education, science and production №2, 2014, С.83-88.
3. Залесский Д.И., Заверюхин В.И. Выращивание сои на поливных землях //Ж.Зерновое хозяйство. - Москва, 1989, № 9, С.37-39.